

**Ўзбекистон Мусулмонлари идораси раиси  
Усмонхонхожи Алимовга.**

Хурматли муфтий хазрати жаноби олийлари!

Ўзингизга маълум, Муҳтарам Президентимиз Ш.М. Мирзиёев бошчилигида республикамизда барча соҳалар каби тиббиёт соҳасида ҳам изчил ислохотлар давом амалга оширилмоқда. Янги даволаш масканлари ишга туширилмоқда, даволаш-профилактика муассасаларининг моддий-техник ҳолати яхшиланиб, тиббиёт ходимлари ўз малакаларини нафақат республикамизда, балки иқтисодиёти ривожланган давлатларда ҳам ошириб келишмоқда.

Шу билан бирга, сўнги вақтларда шифокорларга қилинган тажовузлар сони кўпайгани ҳам сир эмас. Соҳамизда ўз лавозимини суистемол қиладиган ходимлар йўқ эмас, лекин уларнинг аксарияти ўз касби ва ватанига сидқидилдан хизмат қилиб келмоқлар, уларнинг кўпи мусулмон, ўз намозларида ва дуоларида барчани соғлом бўлиши сўраб қолишади, бировнинг ҳақидан кўрқишади. Шу билан бирга, барчага маълум - шифокор сеҳргар эмас, айрим вақтларда уларнинг ёрдами чекланган бўлади. Лекин баъзи ҳолатларда беморлар ёки уларнинг яқинлари буни негадир тушунишни хоҳлашмайди. Бунинг натижасида тиббиёт ходимларига тажовузлар сони кўпайиб, айрим ҳолатда уларнинг саломатлигига хавф туғдирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги матбуот хизмати тарқатган маълумотга кўра, кейинги икки йилда биргина «Тез ёрдам» шифокорларига нисбатан 266 марта зўравонлик ҳолати қайд этилиб, бундан 340 нафар тиббиёт ходими жабр кўрган. Шунга қарамай бор-йўғи 40 та ҳолатда айбдорларга жазо чораси қўлланган, холос. 109 ҳолатда масала ярашув билан тугатилган бўлса, 128 ҳолатда айбдорлар жазоси қолиб кетган. Бундай ҳолатни давом этиши, нафақат тиббиёт соҳасида, балки

жамиятимизда, айниқса ёшларнинг шифокорлик касбига бўлган иштиёқини сўндиришга ва ишлаб турган шифокорларни ўз касбидан норози бўлиб, шифокорлар сонини истиқболда камайиб кетишига ҳам олиб келиши мумкин. Бу ҳолат эса умуман жамиятдаги муҳитга ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

**Ҳурматли Усмонхонхожи Алимов жаноблари,**

Юқоридагиларни инобатга олиб, 35000 аъзога эга Ўзбекистон врачлар ассоциацияси номидан Сиздан навбатдаги жума намозларида барча имом - хатиблар тиббиёт ходимлари ва фуқаролар орасидаги муносабатлар ҳақида Қуръони карим ва ҳадисларда келтирилган оятлар асосида беморлар ва тиббиёт ходимлари ўртасидаги муносабатга ўз фикрларини билдиришларига Сиздан кўмак сўраб қоламиз.

Чуқур ҳурмат ва эҳтиром ила,

**Раис**

**З. Сидиков**